

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТОЛЕРАНТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИ

Мингбаев Рахим Хужаевич

Жиззах давлат педогогика университети тадқиқотчиси;

Аннотация: Ушбу мақолада миллий ва халқаро экологик муносабатлар, уларни уйғунлаштиришда толерантлик тамойилининг аҳамияти ёритиб берилган. Ўзбекистонда халқаро экологик ижтимоий-сиёсий муносабатларни толерантлаштиришнинг ички ва ташқи омиллари хусусида баён қилинган.

Калит сўз: экология, экологик муносабат, толерантлик, экологик вазиятни прогнозлаштириш, глобал муаммо, консенсус.

Аннотация: В данной статье подчеркивается важность принципа толерантности в национальных и международных экологических отношениях и их гармонизации. Описаны внутренние и внешние факторы толерантности международных экологических социально-политических отношений в Узбекистане.

Ключевые слова: экология, экологическое отношение, толерантность, прогнозирование экологической ситуации, глобальная проблема, консенсус.

Abstract: This article emphasizes the importance of the principle of tolerance in national and international environmental relations and their harmonization. Internal and external factors of tolerance in international environmental socio-political relations in Uzbekistan are described.

Key words: ecology, environmental attitude, tolerance, forecasting the environmental situation, global problem, consensus.

Инсоният экологик муаммолар глобаллашиб, кескинлашаётган ҳозирги шароитда дунё ҳамжамияти, экологик толерантликни таъминлаш институционал тизимини ривожлантириш эҳтиёжини ҳам, заруриятини ҳам англаб етмоқда. Зеро, дунё давлатларнинг географик ўрни, экологик вазияти, экологик хавф потенциали, экоиктисодий имкониятлари, анъанавий тарихий кадриятлари, этно-демографик ва конфессионал таркибидан қатъий назар экологик толерантлик феноменини шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларини яратишни тақозо қилмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, турли: ирқ, миллат, элат, демографик қатлам ва конфессияларга мансуб халқларнинг маънавий-руҳий бирлигини намоён

қилувчи толерантлик тамойили (инсоннинг антропотехноген ва бошқа ижтимоий фаолиятларида субъектив омил бўлса ҳам), глобал экологик барқарор тараққиёт эҳтиёжи учун субстанциявий-императив характердаги объектив асосдир. Зеро, экологик мақсад, эҳтиёж, манфаат категориялари мазмунини объектив экологик борлиқ ва унинг ривожланиш қонунлари ташкил қилади.

Бу эса, ўз навбатида, умуман толерантлик, хусусан экологик толерантлик ҳодисасини шакллантиришнинг институционал тизимини комплекс-системали ўрганиб, уларнинг демократик ва гуманистик характери, ўзаро функционал интеграциялашиш хусусиятлари, умуминсоний маънавий-ахлоқий императив нормаларга мослигини аниқлашнинг назарий-методологик асосларини ўрганишга қизиқишни кучайтирмоқда.

Хусусан, миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда экологик вазиятга, қўшни давлатлар эҳтиёжлари ҳамда потенциал имкониятларига қараб, толерантликни шакллантириш ва ривожлантирига мутасадди ижтимоий-сиёсий институтлар фолиятини интеграциялаштириш йўналишларини, усул-воситаларини, механизмларини доимий равишда ўзгартириб туришни тақозо қилмоқда. Чунки, глобаллашиш тенденцияси кучайиб кетаётган миллий ёки минтақавий экологик муаммоларни, шу ҳудудда яшаётган халқларнинг **экологик толерантлик маданиятини** ривожлантирмасдан ҳал қилиш мумкин эмас.

Масалан, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, экологик муаммоларни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистоннинг кўпмиллатли халқи бирдамлигисиз ҳал қилиб бўлмаслигини Шавкат Мирзиёев 2016 йил 16 ноябрдаги Қорақалпоғистон сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги “Юрагимга, қалбимга яқин инсонлар” деган нутқида алоҳида таъкидлади¹.

Бу борада Орол денгизи ҳавзаси экологик инқироз оқибатларини бартараф этиш, унинг янада чуқурлашиб кетишини олдини олиш бўйича қўшма дастурлар амалга оширилишини ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг экологик толерантлиги натижаси деб баҳолашга муносиб. Шунингдек, 2018 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида экологик вазият оқибатида икки марта туз бўрони бўлиб ўтди ва шу билан бирга бу бўрон натижасида табиатга салбий таъсир ўтказди.

Айниқса, Оролнинг қуриган қисмида қум кўчкларини қотириш, қурғоқчилик ва шўрланишга чидамли ўсимликлар экиш ҳисобидан бу ерларни ўзлаштириш

¹Мирзиёев Шавкат. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” ИМИУ, 2017, 211-236 бетлар

борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, Оролнинг қуриб қолган майдонларидан яйлов сифатида фойдаланиб, чорвачиликни ривожлантириш имконини беради. Бундан ташқари, Амударё дельтасида сув майдони 150 минг гектардан ошиқ сунъий сув ҳавзалари ташкил этилиши билан балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш имконияти пайдо бўлди.

Кейинги вақтларда, фалсафий адабиётларда, халқаро экологик сиёсий муносабатларни *глобал геологик маданият* тамойиллари асосида толерантлаштириш имкониятига алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, россиялик академик Н.Н.Моисеев умуминсоният геомаданиятининг янги синтезлашган, интеграциялашган тенденциясини, “технологияси”ни ва унинг динамик ривожланиш босқичларини асослаб, бу жараён бошланишидаёқ: “инсон ўзининг нафақат оиласига, мамлакатига, миллатига мансублигини, балки, айни пайтда, бутун планетар ҳамжамиятга ҳам мансублигини англаши лозим. Яъни, муайян жамият аъзоси эканлигини ҳис этиб, инсоният тақдирини, ундан узоқда яшовчи бегона кишилар ҳаёти учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши керак”², деб ёзган эди.

Йирик немис файласуфи Иммануэл Кантнинг ахлоқий императивлар инсонни юксакка кўтариб улуғлайди, аксинча ахлоқий фазилатлардан узоқлик эса, уни тубанликка етаклайди³, деган фикри асосида, экологик толерантлик феноменини *маънавий-ахлоқий қадрият* сифатида олиб қарасак, унинг замонавий долзарблиги намоён бўлади.

Дарҳақиқат, ҳозирги даврда экологик муаммолар глобаллашуви, халқаро: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларнинг янги экологик маънавий-ахлоқий қадрият парадигмаларини шакллантирди ва қонуниятларини, тамойилларини намоён қилмоқда. Хусусан, дунё давлатларининг ўз ҳудудларида амалга оширган ижтимоий-иқтисодий фаолияти туфайли: трансчегаравий табиатга зарар етказмаслик – *халқаро экологик гуманизм тамойили*; бошқа давлат табиатига етказилган зарар учун давлатларнинг *жавобгарлик масъулияти тамойили*; табиат муҳофазасида *инсон экологик эркинлиги ва давлатларнинг экологик суверенлиги тамойиллари* шаклланди ва халқаро миқёсда эътироф этилган.

Бу тамойиллар умумлашган тарзда, БМТнинг 1972 йил Стокгольмда ўтказилган атроф-муҳит муҳофазаси бўйича халқаро конференцияси Декларациясида: “инсон эркинлик, тенглик ва муносиб ҳаёт шароитларига эга бўлишга ҳақли ва

² Моисеев Н.Н. Быть или не быть ... Человечеству? М., 1999. - С.51.

³ Каранг: Кант И. Сочинения в 6 томах. Т. 4. С.282.

яхши атроф-муҳитда яшашга имкон берувчи асосий ҳуқуқларга эга”⁴, деб кўрсатилган.

Бу директив кўрсатмада, *бир томондан*, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда халқаро муносабатларида давлатлар экологик толерантлигини шакллантириш соҳасида асосий тадбирларни амалга ошириш долзарблиги ҳам, зарурияти ҳам, аҳамияти ҳам асосланган. *Иккинчи томондан*, айрим давлатларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолаётган халқаро экологик муносабатларида экологик толерантликни шакллантиришни *глобал геозкологик маданият* даражасига кўтариш талаб қилинган.

Шунинг учун ҳам фалсафий адабиётларда, умуман глобал муаммолар, хусусан, экологик муаммолар ечимида, шаклланган маданият – глобаллашув шароитида муқобили бўлмаган имконият, усул, восита деган хулоса устуворлигини кўрамиз. Масалан, йирик рус маданиятшуноси В.Кузнецов, том маънодаги ижобий *глобаллашув маданиятини* – XX аср ҳаёт нормаларини, анъаналарини, кишилар турмуш тарзини бузувчи салбий глобаллашувидан XXI асрда табиий атроф-муҳитни, кишилар ва халқлар учун маъқул ҳаётни таъминлаш тизимини яратувчи самарали глобаллашувга ўтишдир”⁵, деб ёзишида муайян ҳақиқат мавжуд.

Дарҳақиқат, дунёда глобаллашув маданиятига мос умуминсоний экологик сиёсий муносабатларининг стратегик йўналишларини аниқлаш, вазифаларини белгилашда толерантлик тамойилига амал қилиш – юксак маънавий маданият мезонларини, аввало, инсон онгида шакллантиришни тақозо қилади. Айниқса, жамият тарихининг ҳозирги босқичида, унинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаёти тараққиётини белгиловчи мезонлар тизимида экологик онгда толерантлик тамойили устуворлашуви – қонуният мақомига эга бўлиб боришини М.Хажиева қуйидагича ифодалаган: “... онгда толерантликнинг шаклланиши, миллат шаклланиши билан боғлиқ бўлган объектив сабаб ва субъектив омиллар билан боғлиқдир. Чунончи, ҳудуд, географик шарт-шароитлар, ишлаб чиқариш турлари, этник, маънавий омиллар билан бир қаторда давлатлар томонидан олиб бориладиган миллий сиёсатга ҳам боғлиқ бўлади. Агар кўп миллатли давлатларда айрим олинган миллатга устуворлик билан

⁴БМТнинг расмий сайти <http://www.un.org/ru/>

⁵ Кузнецов В. Геокультура. Основы геокультурной динамики безопасности в мире XXI: Культура сеть. М., Книга и Бизнес, 2003. – С. 416

қараладиган бўлса, экологик толерантлик ўрнини зиддиятлар эгаллайди ва мамлакатларда парокандаликлар юзага келади⁶.

Ўз навбатида, бу қонуният, истисносиз барча ижтимоий онг шаклларини экологиялаштириш тамойилларини, йўналишларини белгилаб, жамият аъзоларининг табиатга *экологик маданий муносабатида* фаолият мотиви, ҳаракатлантирувчи механизми, ифодалаш усули сифатида: шахс дунёқараши характерини, интеллектуал салоҳияти даражасини, экологик ҳаётий позициясини баҳолаш мезонига айланмоқда.

Умумлаштириб айтганда, *толерантлашган экологик онг ва маданият* асосида, инсонларнинг табиий атроф-муҳит муҳофазаси билан бевосита боғлиқ ижтимоий фаолияти “табиат-жамият-инсон” тизими муносабатларида⁷, хусусан инсон ва жамиятнинг табиатга *экологик толерантлигини* тарбиялашда, ижтимоий онг шакллари ролини комплекс-системали ўрганиш, умуман, глобал муаммолар ечимида субъектив омилларнинг функционал аҳамиятини билишда назарий, методологик асослилиги билан муҳим амалий аҳамиятга эга.

⁶Қаранг: Хажиева М. Онгда толерантлик ривожланишининг негизлари. Т.: “Фан ва технология”, 2010, –Б.92

⁷Шу ўринда бу тизимда толерантлик фақат инсон ва жамиятга хос бўлиб, табиатнинг уларга нисбатан “толерантлиги” мажозий маънода ишлатилишини эслатиш ўринлидир.